



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№ 12 (965)

2026 йил 3 март, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Seysmik hududlarda
geodezik
tadqiqot-
larning
ahamiyati



3

Президент ташрифидан сўнг

Сурхондарё – юртимизнинг жанубдаги муштақкам таянчига айланмоқда

Юртбошимизнинг Сурхондарёга бу галги ташрифи яшариш ва яратиш фасли – баҳорга тўғри келганида ҳам ажиб бир маъно бор. Баҳорнинг энг аввал Сурхон элидан бошланиши эса, мард ва танги халқнинг меҳнатсеварлик, ташаббускорлик ва яратувчанлик каби фазилатлари билан янада теран мазмун касб этиши бор гап. Ушбу ташриф ҳам сурхондарёликлар қалбига ана шундай эзгу туйғуларни жойлаб, уларга кўтаринки кайфият, баҳорий илҳом бағишлагани шубҳасиз.

Файрат БҲРИЕВ,
Термиз тумани ҳокимлиги
Ахборот хизмати раҳбари.

Эзгу ниятлар билан бошланган ташриф

Давлатимиз раҳбари амалий сафарини анъанага кўра, Ҳақим Термизий мақбараси зиёратидан бошлади. Қуръон тиловат этилиб, халқимизга, юртимизга тинчлик-фаровонлик тилаб, дуо қилинди. Уламолар билан бўлиб ўтган суҳбатда ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Ҳақим Термизийнинг маънавий-маърифий меросини чуқур ўрганиш ҳамда юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, муқаддас динимизнинг эзгулик, инсонпарварлик, меҳр-шафқат каби буюк фазилатлари, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Кейинги йилларда таъмирланиб, янада обод ва гўзал мажмуага айланган ушбу табаррук масканда зиёратчилар учун барча шароит яратилди. Атроф ободонлаштирилиб, мақбарада ҳам қатта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Замонавий ёриткичлар, иситиш ва совитиш тизимлари ўрнатилди.

2



▲ Сурхондарёда баҳор!



Янги Ўзбекистоннинг яна бир муқаддас маскани

Мовароуннаҳр азалдан буюк алломалар, муҳаддислар, фақиҳлар ва мутафаккирлар етишиб чиққан юрт. Исломи цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган ана шундай ажодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ана шундай улуг зотлардан бири – бутун ислом оламида “Муҳаддислар султони” номи билан танилган Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳазратларидир. Бинобарин, у зотнинг ҳаёти, илмий мероси ва маънавий таъсири асрлар давомида мусулмонларнинг ақидавий, маънавий ва ахлоқий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” муҳбири.

Имом Бухорий ҳазратлари ислом тарихида ҳадис илмининг устози, энг улуг муҳаддис сифатида тан олинган. Унинг номи, аввало, Қуръони каримдан кейинги энг ишончли манба сифатида қабул қилинган “Саҳиҳи Бухорий” асари билан боғлиқ. Мазкур асар ислом ақида, шариат ҳукмлари, ахлоқ ва маънавий масалаларида асосий қўлланмалардан бири ҳисобланади.

Имом Бухорий ҳазратлари ҳадисларни саралаш, текшириш ва таснифлашда ўзига хос илмий мактаб яратган улуг муҳаддис сифатида ислом илмлари тарихида алоҳида ўрин тутади. Ҳадис, ровийларнинг ҳаёти, ахлоқий поклиги, хотираси ва ишончилигини ўта қатъий ҳамда пухта илмий мезонлар асосида синчковлик билан ўрганган. Айнан мана шу теран илмий ёндашув ва бетакрор методологияси тўғрисида Имом Бухорий номи ислом оламида беқиёс эҳтиром билан тилга олинади.

У зотнинг илмий мероси нафақат ўз даврида, балки кейинги асрлар давомида ҳам мусулмон уламолари, муфассирлар ва фақиҳлар учун муштақкам пойдевор вазифасини ўтади. Асрлар оша дин йўлида илм талаб этувчи барча авлодлар учун беназир манба бўлиб келмоқда.

Кўп хонадонли уйлар базальт билан қопланмоқда

Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида турар жой фондиди модернизация қилиш, энергия тежамкорлигини ошириш ва ҳудуднинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Алишер ОҚИЛОВ,
Жиззах вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси
Ахборот хизмати мутахассиси.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятга ташрифлари давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш, Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг тегишли қарорларига асосан, Мирзачўл тумани ҳудудидаги 141 та кўп қаватли уй-жой ҳамда 12 та ижтимоий объектни базальт қопламаси билан қоплаш режалаштирилган. Ҳозирда 220 та кўп қаватли уй ва 11 та ижтимоий соҳа объектида ишлар тўлиқ якунланган. Қолган 21 та кўп қаватли уйда базальт қоплаш ишлари жадал давом этмоқда.

Бундан ташқари, мазкур дастурлар доирасида кўп қаватли уйлarning туташ ҳудудларида 13 та болалар майдончаси қурилиб, 242 та тунги ёритиш воситаси ўрнатилди.

Муҳими, бу бунёдкорлик ишлари Президентимиз томонидан илгари сурилган ижтимоий барқарорлик, сифатли ва қулай турар жой шароитларини яратиш бўйича стратегик йўналишларга тўлиқ мос равишда амалга оширилмоқда. Қолаверса, яқинда бўлиб ўтган Президент йиғилишида ҳам коммунал хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, энергия самардорлигини кучайтириш ва аҳолининг ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилаш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланди. Шу жумладан, кўп қаватли уйлар фасадларини бардошли ва энергияни тежайдиган материаллар билан қоплаш бўйича лойиҳалар давлат дастурлари доирасида қўлаб-қувватланмоқда.

Базальт билан қоплаш ишлари мутасадди ташкилотлар томонидан белгиланган техник норма ва стандартларга қатъий мувофиқ ташкил этилган бўлиб, ишлар мунтазам равишда белгиланган график асосида олиб борилаётган. Бунинг учун малакали мутахассислар жалб этилган ҳамда қурилиш жараёни сифатли ва ўз муддатида бажарилиши доимий назоратда.

Бир сўз билан айтганда, Мирзачўл туманида кўп хонадонли уйлarning базальт қопламаси билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар – аҳолига қулай, самарали ва хавфсиз яшаш шароитларини яратиш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади. Бу ишлар ҳудудни янада замонавий, энергиятежамкор ва ижтимоий барқарор қиёфада ривожлантиришга хизмат қилади.

▼ Жиззах вилояти Мирзачўл туманида кўп қаватли уйлар базальт билан қопланмоқда.



uzbunyodkor.uz

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

qurilish.today



4

Сурхондарё – юртимизнинг жанубдаги мустақкам таянчига айланмоқда

1 Мажмуада микроклим яратиш учун 40 турдаги турт мингдан ортиқ кўп йиллик манзарали да- рахт, 20 мингдан зиёд мавсумий анвои гуллар экилган.

Ислон илмларининг тафсир, ҳадис, фикҳ, калом, ислом фалсафаси, тасаввуф тарихи, та- саввуфий қарашлар каби соҳаларида кўплаб асар ёзган мутафаккир мажмуасини обод сақлаш, зиёратчилар учун қулайликларни кен- гайитириш юзасидан тегишли топшириқлар бе- рилди.

“Томорқа мактаби” – инновацион ташаббусларга бой

Президентимиз Термиз туманидаги “То- морқа мактаби”га ҳам ташриф буюрди.

Инновацион мактаб Термиз, Музработ, Қи- зирик, Бандихон, Ангор ва Жарқўрғон туманла- рини қамраб олган бўлиб, унинг таркибида ўқув биноси, уч гектар иссиқхона ҳамда уч гектар ўқув-тажриба майдони мавжуд. Иссиқхонада Сурхондарё шаронитига мослаштирилган бан- ан, папайя, розмарин, лаванда, лимон, анжир, брокколи, булғор қалампери ва бошқа экинлар етиштирилмоқда. Шунингдек, кўчатчилик ва гулчилик йўлга қўйилган, томчиликтаб суғориш тизими жорий этилган. Мактабда Сурхондарё шаронитида бир йилда уч марта ҳосил олиш ам- алиёти ўқитилмоқда. Ўқув жараёнига олимлар, мутахассислар ва тажрибали деҳқонлар жалб этилган.

Шу пайтга қадар 1300 га яқин ишсиз ва кам- бағал оила аъзоси махсус курсларни тугатиб, ўз томорқаси ёки ижара ерларидан самарали фой- даланиш орқали ўзини ўзи банд қилган. Ҳоким ёрдамчилари ҳар ойда 220 нафардан, йилга 2700 нафаргача томорқа ва ижара ер эгалари- ни ўқига йўналтирмоқда. Тингловчилар учун йўлланма ёки ваучер тизими орқали ўқиш хара- жатлари қоплаб берилади.

Яратиб берилаётган имкониятлардан, ажра- тилаётган маблағлардан оқилона фойдаланаёт- ган воҳада аҳолининг тўқин, фаровон яшаши-

маиший жиҳозлар хизмат муддати узайишида муҳим омил ҳисобланади.

“Шимолий” сув ишлаб чиқариш иншоотида ташкил этилган геоахборот маркази эса тизим- нинг реал вақтда назорат қилинишига шароит яратди. Босим пастлаши, авария ҳолатлари, сув йўқотиш каби масалаларни бир неча дақиқада аниқлаш имконияти туғилди. Сув таъминоти яхшилангани сабабли ҳудудлардаги юздан ор- тик ер ости сув қудуқларидан фойдаланишга эҳтиёж қолмади. Бу экологик юкни камайтира- ди. Шунингдек, лойиҳа натижасида йилга 18,4 миллион киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинади. Бу маблағ ва ресурс жиҳатидан 18,5 миллиард сўм иқтисод қилинишини аниқлатади. Истеъмолчиларнинг биллинг тизимига ула- ниши эса сувни ҳисоблашда шифофликни ошир- ди, қарздорликни камайтирди.

Яна бир муҳим жиҳати, бу ердаги 10 гектар майдонда 6418 киловатт-соат қувватдаги қуёш панеллари ўрнатилди. Давлатимиз раҳбари шу ерда вилоятнинг гидроэнергия кўрсаткичлари ҳамда соҳада амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар тақдими билан танишди. Вилоятда ҳали ечилмаган сув таъминоти масалаларини тезкор ҳал этиш бўйича вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, эски насос агрегатларини энер- гия тежамкор технологияларга алмаштириш, тармоқларни модернизация қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

“Янги Ўзбекистон” массивига ташриф

Аҳолини уйли-жойли қилишдек эзгу ҳара- катлар Сурхондарёда ҳам жадаллик билан да- вом этмоқда. Ташриф давомида Президентимиз Жарқўрғон туманида қуриляётган “Янги Ўзбе- кистон” массивини бориб кўрди.

Ўз ҳудудини ўзлаштириш ҳисобига бунёд этилаётган массивнинг 50 гектарига 116 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган. Хо- зиргача поликлинника, 180 ўринли боғча, 330 ўринли мактаб ва маҳалла биноси фойдала- нишга топширилиб, 68 та уйдаги 1,5 мингта хонадонга аҳоли кўчиб кирди. Шунингдек, ахборот технологиялари ва инглиз тили ўқув



▼ Бахорий байрам сайиллари бошланди.

ёндашувлар жорий этилган, 50 га яқин махсус мутахассис ва педагоглар фаолият юритмоқда. Мактаб ҳовлиси, йўлақлар, ўқув хоналари, овқатланиш хонаси, спорт зали ҳамда муолажа хонаси зарур шароитлар билан таъминланган.

– **Сувий интеллектга ўқитиш дастурлари- ни бежиз мактаблар таълимига жорий этмаеп- миз, ўқувчилар олий таълим муассасалари, меҳнат бозори ва келажак касблари тайёр бў- либ боришларини истаймиз**, – деди Президент.

Шундан сўнг, Президентимиз массивдаги хорижий тиллар ва ахборот технологиялари ўқув марказини кўздан кечирди. 6,5 милли- ард сўм ҳисобига барпо этилган 400 ўринли мажмуа йилга 2 мингдан ортиқ ёшга таълим олиш ва лойиҳалар устида ишлаш имкония- тини беради. Бу ерда 200 нафарга яқин ўқувчи компьютер савдохонлиги ва front-end йўна- лишларини муваффақиятли якунлаб, серти- фикация олган. 150 нафарга яқин ўқувчи IELTS имтиҳонларида В2 ва ундан юқори натижалар- ни қайд этган. Марказда 20 га яқин мутахассис фаолият юритмоқда.

қилиб, ташриф буюрувчилар учун ташкил этил- ган бадий дастурни томоша қилди.

Тараққиётнинг янги босқичи сари

Ташрифнинг иккинчи куни Президент Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятини ижти- мий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

– **Сурхондарё нафақат табиати гўзал замин, балки руҳи бақувват, ғайрати баланд, орият мустақкам инсонлар юртидир. Сурхонни ри- вожлантириш Янги Ўзбекистоннинг жанубий таянч устунини мустақкамлаш демакдир**, – деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда вилоят ҳокими ҳамда туман ҳо- кимлари олдига жорий йил инвестициялари 3 миллиард долларга, экспортни 1 миллиард долларга етказиш вазифаси тургани қайд этилди. Ҳудудда камбағалликни 2,8 фоизгача, иш- сизликни 4,5 фоизгача тушириш, Термиз шаҳри, Ангор, Денов, Жарқўрғон, Қизирик, Музработни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга ай- лантириш муҳим экани таъкидланди. Сурхон- дарё иқтисодиётида саноатнинг улуши сўнгги 9 йилда 5 қарра ўсиб, 10 фоизга етди. Лекин бу ҳали ҳам камлиги кўрсатиб ўтилди. Саноат ҳажмини оширишда вилоятдаги конларни ўзлаштириш- ни жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда Термиз халқаро савдо маркази натижалари ҳам алоҳида қайд этилди. Утган йили марказга 800 мингдан ортиқ Афғонистон фуқароси ташриф буюриб, экспорт 320 миллион доллар бўлган. Марказ ҳудудини 1 минг гектар- га етказиш белгиланди. Янги лойиҳалар нати- жасида тадбиркорлар ва харидорлар қарраси- га ошиши таъкидланди, конун устуворлигини таъминлаш мақсадида марказда махсус проку- ратура ва ички ишлар бўлими фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, энди марказ ҳудуддаги товар савдоси ва хизматлар экспорт сифатида баҳолашнинг, уларга нисбатан қўшилган қиймат солиғи “ноль” ставкада қўлланиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ ҳўжалиги им- кониятларига тўхталар экан, вилоятдаги 35 минг гектар томорқада 3-4 марта ҳосил олинаётган- ни, бундай кўрсаткич бошқа бирорта вилоят- да йўқлигини таъкидлади. Термиз туманидаги “Томорқа мактаби”нинг ижобий тажрибасини бутун Сурхондарёда йўлга қўйиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан Ангор, Узун, Деновда ҳам “Томорқа мактаблари”ни ташкил этиш, ҳар бир вилоятда 2 тадан “Инно- вацион томорқа мактаблари”ни ишга тушириш топширилди.

Шунингдек, йиғилишда йўл ва транспорт инфратузилмаси вилоятдаги энг оғрикли ма- салалардан бири экани қайд этилди. Ҳозирда Бойсун ва Деновда боғловчи йўлнинг 111 кило- метри цемент-бетон қопламга ўтказиш лойи- ҳаси амалга оширилмоқда. Бу йўл ишга тушса, юк ҳажми 2 қарра ошиши, ташиш вақти 3 со- атдан 1,5 соатга қисқариши айтилди. Жорий йилда юртимизни Афғонистон ва Тожикистон билан боғлайдиган 178 километрик магис- трални капитал таъмирлаш, “Тошгузор – Бой- сун – Қумқўрғон” участкасини тезкор поездага мослаш, “Қумқўрғон – Қудуқли” темир йўлининг электрлаштириш ишлари бошланади. Термиз –

Истанбул, Термиз – Дубай йўналишларида янги рейслар ташкил этилади. Янги автобуслар олиб келиниб, Шўрчи, Денов, Сарниёе, Шеробод ва Бойсундан Термизга олиб борувчи йўлларда қатновга қўйилади. Йил охиригача Музработда- ги 56 минг аҳолига илк бор марказлашган ичим- лик суви етказиб бериш лойиҳаси якунига етқа- зилиши, Музработ, Олтинсой, Ангор, Қизирик ва Бойсун марказларига канализация олиб бориш лойиҳалари бошланиши маълум қилинди.

Давлатимиз раҳбари туризм салоҳиятига ҳам тўхталиб, вилоятда Ал-Ҳаким ат-Термизий, Сул- тон Саодат, Қокилдор ота, Қирқ қиз каби 150 дан зиёд маданий мерос объектлари борлиги, Ҳи- сор, Бойсунтоғ, Қўҳитанг, Боботоғда альпинизм, треккинг, экотуризм учун қатта имкониятлар мавжудлигини айтиди. Бунини тўлиқ ишга солиб, йилга 1 миллиард долларлик тушум қилиш мумкинлиги таъкидланди. Эски Термиз ёдгор- лиги тўлиқ ўрганилмагани қайд этилди. Буд- дизм маданиятига оид Фаёттепа, Қоратеппа, Дал- варзин, Зурмала каби ёдгорликларнинг туризм салоҳиятидан фойдаланиб, Япония, Корея, Хи- той, Таиланддан йилга 500 минг сайёҳни жалб қилиш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Базальт маҳсулотларига талаб ортмоқда

Шундан сўнг, Президент Шавкат Мирзиёев Термиз туманида жойлашган “Surkhon Sandwich” корхонасининг базальт маҳсулотлари ишлаб чиқариш линияси билан танишди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудда кенг қуламли бунёдкорлик ишлари амалга ошири- лмоқда. Сўнгги йилларда ҳар бир йирик лойиҳа ва инфратузилма объектида энергия тежам- корлигига устувор эътибор қаратишмоқда. Шу боис, базальт ҳомашёси ва ундан тайёрланади- ган энергия самарадор плита ҳамда қурилиш материалларига талаб ортиб бормоқда. Шу эҳтиёждан келиб чиқиб ташкил этилган корхо- на қиймати 26 миллион долларга тенг. Лойиҳа доирасида йилга 30 минг тонна базальт ҳом- ашёсини қайта ишлаш қуввати яратилган. Бу 345 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Маҳсулотлар ички бозор билан бирга Тожикистон ва Афғонистонга ҳам экспорт қилинмоқда.

Ишлаб чиқариш жараёни учун талаб эти- ладиган ҳомашёнинг 95 фоизи вилоятнинг Ол- тинсой туманидаги конлардан таъминланади. Корхонага Хитойнинг замонавий технологик ускуналари ўрнатилган. Бу ерда 200 киши ишли бўлди. Президент ишлаб чиқариш жараёни- ни билан танишар экан, маҳсулотлар сифатини янада ошириш, маҳаллийлаштириш даража- сини кенгайтириш ва экспортбон йўналишлар- ни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади. Умуман, юртимизда қурилиш соҳасининг ил- мий асосларини мустақкамлаш, бунинг учун қу- рилиш материаллари бўйича илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Ташриф ниҳоясига етган бўлсада, Юртбоши- мизнинг сурхон эли ҳақидаги самимий фикрла- ри, вилоятни янада ривожлантириш юзасидан берган тавсия ва маслаҳатлари, халқ билан қил- ган суҳбатлари ҳудуд аҳлининг келгуси ҳаётида янги ўзгаришларга сабаб бўлиши аниқ...



▼ Жарқўрғон туманида қуриляётган “Янги Ўзбекистон” массиви.

га янги-янги ғоялар асосида ёндашилаётгани одамларнинг даромадини ошириб, ҳудудлар- нинг камбағаллик даражасини пасайтирмоқда. Жумладан, бундан икки йил аввал вилоятнинг камбағаллик даражаси 10,5 фоизни ташкил эт- ган бўлса, утган йил якуни билан бу кўрсаткич 4,5 фоизга тушди. Бу йил воҳанинг камбағаллик даражасини 2,8 фоизга тушириш мўлжаллан- моқда.

Вилоятда сув таъминоти яхшиланмоқда

Шунингдек, ташриф давомида Президент Шавкат Мирзиёев Термиз шаҳрида “Тўпалан” сув омбори сувидан фойдаланиш ҳисобига Сур- хондарё вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳасининг амалий натижаларини кўздан кечирди.

Сурхондарёда марказлашган ичимлик суви билан қамров саққиз-тўққиз йил олдин 47 фоиз эди. Бугун ушбу рақам 67,5 фоизгача ошишига эришилди. Натижада аҳолининг суви таъмино- тидаги ҳолати нафақат микдор, балки сифат жиҳатдан ҳам сезиларли яхшиланди. Президент бу каби йирик энергетик, технологик ва ижти- мий самарадор лойиҳаларни қўллаб-қувват- лаш ҳар жиҳатдан зарурлигини таъкидлади. Бундай тажрибаларни келгусида мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам қўллаш мумкинлигига эътибор қаратди.

Техник жиҳатдан лойиҳанинг қатта ютуғи 246 километр магистрал ва ички тармоқнинг барпо этилиши бўлди. Муҳими, гидравлик ҳи- соблар асосида босимни насоссиз узатиш им- конияти яратилди. Бу нафақат энергия сарфини кескин камайтиради, балки тизимнинг барқа- рорлигини таъминлайди. Айнан шу инноваци- он ёндашув тўғайли Термиз шаҳри, Ангор, Бандихон, Қизирик, Шеробод ва Музработ каби туман марказларига сув электр энергия сарфис- из етказиб бериляпти. Мазкур ташаббус ор- тидан бугунги кунда 223 та маҳаллада обихаёт таъминоти мустақкамланди. Сувнинг қаттиқлик даражаси эса икки бараваргача камайтирил- ди. Сифатнинг ортиши аҳоли саломатлиги ва

маркази иш бошлаган, 7 та микромарказ ҳамда 5 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти қурилган. Ичимлик суви, иссиқлик тармоқла- ри, 3 километрга яқин газ қувури тортилиб, 250 киловаттлик трансформатор ўрнатилган. 4,5 гек- тар ерга манзарали ва мевали дараклар, дашт ҳудуддаги 300 гектар майдонга эса саксовул ўсимликлари экилган. Келгусида бу ерда яна 50 га яқин уй қурилиши кўзда тутилган. Хусусан, жорий йилда яна 14 та (280 хонадонли) кўп қа- ватли уй-жой, янги йўллар, истироҳат боғи қу- риш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда замонавий уй-жой қури- лишига қаратилаётган юксак эътибор вилоят- нинг урбанизация даражасини 35,6 фоиздан 36,2 фоизга ўстирди. Айни пайтда воҳадаги 1 минг 722 та кўп қаватли уйдаги 44 мингта хона- донда 160 мингдан ортиқ киши истиқомат қи- либ келмоқда. 2018 йилгача вилоятда 1 минг 240 дан ортиқ кўп қаватли уй мавжуд эди. Кейин- ги 9 йилда 481 та осмонўпар турар жой биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Уй-жой фонди 603 мингтага етиб, аҳолининг турар жой билан таъминланганлик даражаси 69 фоизни ташкил этди. Жорий йил яна 9 минг 500 хона- донли 172 та кўп қаватли уй қад ростланди.

Ташриф чоғида Президентимиз массив ҳу- дудда фаолият юритаётган “Янги ёшлар” бош- қарув сервис компанияси иши билан танишди. Компания тумандаги 161 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади, шундан 54 таси мазкур мас- сивда жойлашган. Ҳудуддаги кўп қаватли уйлар томига 5-15 киловаттлик қуёш панеллари ўрна- тилган.

Таълим-тарбия – биринчи ўринда

Давлатимиз раҳбари массивдаги 66-мак- табда яратилган шарт-шароитлар, хусусан, но- гиронлиги бўлган болалар учун ташкил этилган имкониятлар билан танишди.

Мактабда бутун 500 дан зиёд ўқувчи таълим олмақда. Ногиронлиги бор болаларни замона- вий стандартлар асосида ўқитиш учун алоҳида

Кўклам яқинлашиши билан ҳудудларда бахорий байрам сайилларини уюштириш анъ- анага айланган. Президентимиз массивдаги су- малак сайлида иштирок этиб, аҳоли билан бир- га шодийна кайфиятда бўлди, бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли билан самимий суҳбатлашди.

– **Бугун жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонга хурмат билан қарамоқда, халқимиз учун яра- тилаётган шароитларни кўриб, ислохотлар- нинг самарасига гувоҳ бўлмоқда. “Янги Ўзбе- кистон” массивлари ҳам одамларимиз фаровон ҳаёт кечирishi, шинам уйларда яшати учун барпо этиляпти. Мен доим “таълим-таълим” деб бежиз айтмайман. Билимимиз, мана шу- ндай бунёдкорона меҳнатимиз билан юр- тимизнинг обрў-эътиборини янада юксалтириб, дунёда муносиб ўрин эгаллаймиз. Сурхон- дарёнинг эли меҳнатқаш, тантти, бу ерда хали кўп янгиликларни амалга ошираемиз**, – деди Президент.

Этношаҳарча – йилга 180 минг нафар сайёҳга хизмат кўрсатади

Юртбошимиз Термиз шаҳрида барпо этил- ган этношаҳарчага ҳам ташриф буюрди.

Ушбу лойиҳа Сурхондарё тарихи, хунар- мандчилиги ва анъанавий санъати намуна- ларини намоеён этиш учун замонавий инфра- тузилмага эга янги маданий маскан сифатида яратилди. Мажмуа 10 миллион долларлик ин- вестиция ҳисобидан барпо этилди. Олти гектар майдонда тарихий қиёфадаги бинолар, оилавий меҳмон уйи, дўмбира устaxonаси, бахшичилик экспозицияси, миллий таомлар ресторани, бо- лалар учун уйин майдончаси ҳамда музқийқ фавворалар қад ростлаган.

Шаҳарча йилга 180 минг нафар сайёҳга хизмат кўрсатиш қувватига эга, бу ерда 250 на- фар одамга доимий иш ўринлари яратилади. Меҳмонлар нафақат хунармандларнинг маҳсу- лотларини харид қилишлари, балки уларнинг ишини кузатишлари ҳам мумкин. Президентимиз туризм масканда яратилган шароитлар билан танишди, хунармандлар билан мулоқот



▼ Термиз туманида жойлашган “Surkhon Sandwich” корхонаси ходимлари иш жараёнида.

▼ "Иссиқлик таъминоти" МЧЖнинг янги биноси.



Янги бино ва техникалар хизмат кўрсатиш жараёнини яхшиламоқда

Сўнгги йилларда иссиқлик таъминоти соҳасида амалга оширилаётган янгиланишлар қатор эзгу мақсадларнинг амалий ифодасига айланмоқда. Бу борада Навоий вилояти "Иссиқлик таъминоти" масъулияти чекланган жамияти томонидан олиб борилаётган тизимли ишлар ҳудудларда олиб борилаётган ислохотларнинг ёрқин намунасидир.

Бугунги кунда жамият томонидан вилоят ҳудудидаги 1348 та кўп қаватли турар жой ҳамда 138 та ижтимоий соҳа объекти узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминланиб, минглаб оилалар ҳамда муассасаларда қулай шароит яратилмоқда. Бу эса, аҳолининг кундалик ҳаёт сифати ва ижтимоий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз томонидан коммунал соҳада энергия самардорлигини ошириш, эскирган инфратузилмаларни босқичма-босқич янгилash ҳамда хизматларни рақамлаштириш бўйича берилган топшириқлар асосида соҳада модернизация ишлари изчил давом эттирилляпти. Хусусан, жамият тасарруфига 12 донa замонавий махсус автотранспорт воситасининг олиб келиниши иссиқлик таъминоти тизимини мустахкамлаш, авария ҳолатларига тезкор жавоб бериш ва хизматлар сифатини оширишда муҳим омил бўлди.

Шунингдек, жамият жамоаси учун замонавий талабларга жавоб берадиган янги маъмурий бинонинг фойдаланишга топширилиши

соҳага янгича бошқарув ёндашувларини жорий этиш, ходимлар иш самардорлигини ошириш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнларини янада такомиллаштириш имконини яратди.

Президентимиз томонидан коммунал хизматлар соҳасини тубдан ислох қилиш, энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш ҳамда аҳолига қулай ва шаффоф хизмат кўрсатиш бўйича аниқ вазибалар белгилаб берилган, – деди Навоий вилояти "Иссиқлик таъминоти" МЧЖ директори Анвар Бўриев. – Биз ҳам ушбу устувор йўналишлар асосида иссиқлик энергияси йўқотишларини камайтириш, тармоқлар самардорлигини ошириш ҳамда бошқарув тизимини рақамлаштириш устида изчил иш олиб бораёلمиз. Бугунги кунда истеъмолчилар учун қулайлик яратиш мақсадида масофадан туриб, онлайн тўловларни амалга ошириш имконини берувчи замонавий биллинг тизимига ўтиш, шунингдек, хизматлар шаффофлигини таъминлаш учун "Менинг уйим" биллинг тизими билан интеграция қилиш устувор вазибаларимиздан биридир. Энг асосий мақсадимиз – фуқароларни сифатли, ишончли ва замонавий коммунал хизматлар билан таъминлашдир.

Умуман олганда, Навоий вилоятида амалга оширилаётган модернизация ишлари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор вазибаларнинг ҳудудлардаги амалий ифодаси бўлиб, коммунал хизматлар тизимини замон талаблари даражасига олиб чиқиш йўлида муҳим босқични ташкил этмоқда. Энг муҳими, бу ислохотлар марказида инсон манфаатлари, аҳоли фаровонлиги ва халқ розилиги турибди.

Гибрид электр станцияси барпо этилади

Бухоро вилояти ҳоқими Ботир Зарипов Франциянинг "Voltaia" компанияси бош директори ўринбосари Йони Аммар бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди. Мулоқот давомида икки томонлама стратегик шерикликни кенгайтириш ва ҳудудда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Зулфизар МАВЛОНОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Вилоят ҳоқими ўз нутқида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил ноябрь ойида Францияда амалга оширган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиққанини, мазкур ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу маънода, "Voltaia" компанияси билан биргаликда Бухоро вилоятининг Гиждудон туманида гибрид электр станциясини барпо этиш бўйича ишларнинг бошланиши ўзаро ишонч ва юқори технологик ҳамкорликнинг амалий ифодаси сифатида эътироф этилди.

Франциянинг "Voltaia" компанияси қайта тикланувчи энергетика соҳасида дунёнинг етакчи инноваторларидан бири. 2005 йилда асос солинган ушбу йирик тузилма шамол, кўёш, гидравлика, биомасса ва энергияни сақлаш тизимлари бўйича бой тажрибага эга. Ҳозирда компания жаҳоннинг 20 мамлакатида умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли бошқариб келмоқда. Унинг ишлаб чиқариш ҳажми 2,4 ГВт дан ортиқ қувватга эга ишлатилган объектлари ва 13,6 ГВт ли лойиҳаларни ўз ичига олади. Шунга қўра, "Voltaia" энергия ишлаб чиқариш ҳамда лойиҳалашдан тортиб техник хизмат кўрсатишга бўлган барча босқичлари қамраб олувчи универсал сервис сифатида Бухородаги лойиҳанинг сифатли ва самарали ижросини кафолатлайди.



Эришилган келишувларга қўра, гибрид электр станцияси Гиждудон туманида қад ростлади. Унинг биринчи босқичига 400 миллион доллар инвестиция киритилди ва 400 МВт қувватга эга бўлди. Лойиҳанинг иккинчи босқичи эса 650 миллион долларга баҳоланмоқда. Ушбу мажмуа узоқ муддатли стратегик шерикликка асосланган бўлиб, кўёш ва шамол станцияларидан электр энергиясини сотиб олиш 25 йилга, энергияни сақлаш тизимлари 15 йилга мўлжалланган. Мазкур механизм республиканинг энергетик барқарорлигини таъминлашда, аниқсиз, истеъмол эҳтиёжи энг юқори бўлган ("пик" даврлари) вақтларда тизимнинг узлуксизлигини сақлашда муҳим саналади.

Лойиҳанинг ижтимоий ва экологик аҳамияти ҳам юқори. "Voltaia" мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қўра, "Artemisa" кластерида ишлаб чиқариладиган энергия Ўзбекистоннинг 2,5 миллион аҳолиси эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Мазкур "яшил" лойиҳа ишга тушуши натижада атмосферага чиқариладиган карбонат ангидрид миқдори йилга 598 минг тоннага камайди. Белгиланган режага асосан, кўёш энергияси станцияси ва энергияни сақлаш омбори қурилиши 2026 йилнинг биринчи чорагида, шамол станцияси қурилиши эса келаси йилнинг учинчи чорагида бошланиши кутилмоқда.

Учрашув якунида вилоят раҳбари ушбу инновацион лойиҳа икки давлат ҳамкорлигини мустахкамлашга хизмат қилишини қайд этиб, компания мутахассисларига фаол ҳамкорлик учун миннатдорлик билдирди.

Tadqiqot

Seysmik hududlarda geodezik tadqiqotlarning ahamiyati

Seysmik faollik butun dunyo bo'ylab binolar va muhandislik inshootlarining xavfsizligi va mustahkamligiga ta'sir qiluvchi eng muhim tabiiy xavflardan biri bo'lib qolmoqda. Faol tektonik harakatlar bilan tavsiflangan mintaqalarda zilzilalar inson hayoti, infratuzilma va barqaror shaharsozlik uchun jiddiy xavf tug'diradi.

Azizbek YO'LDOSHALIYEV,
Farg'ona davlat texnika universiteti talabasi.



Geodeziya (yuqori aniqlikdagi o'lchovlar, GNSS monitoring, nivelirash, elektron taxometrlar va boshqalar) orqali olingan ma'lumotlar muhandislik-geologik tadqiqotlar, seysmik rayonlashtirish va zilzilabardoshlik hisoblarining asosini tashkil etadi.

Asosiy jihatlari nimada?

- Hududning aniq topografik relyefi va mikrorelyefini aniqlash (nishablik, jarliklar, cho'kish zonalarni oldindan ko'rish);
- yer qobig'ining hozirgi deformatsiyalari va sekin harakatlarini (yiliga mm darajasida) monitoring qilish orqali kelajakdagi zilzila ehtimolini baholash;
- gruntning cho'kish xususiyatlari, yer osti suvlar darajasi va lyossi gruntlarda zilzila paytidagi xavfli deformatsiyalarni aniqlash;
- seysmik rayonlashtirish xaritalari va mikroseysmik zonalar chegarasini yaratishda asosiy ma'lumot berish;
- qurilish oldidan va jarayonida binoning cho'kishi, egilishi yoki siljishini kuzatish uchun geodezik asos (reper tarmoqlari) yaratish.

Geodezik tadqiqotlar bo'lmasa yoki yetarli aniqlikda olib borilmasa, loyiha xavfli grunt yoki nishabda qurilishi, poydevor noto'g'ri tanlanishi, keyinchalik binoda yoriqlar, cho'kishlar yoki hatto qulash sodir bo'lishi mumkin. Shuning uchun geodezik tadqiqotlar seysmik hududlarda bino joylashtirishning birinchi va eng muhim bosqichi bo'lib, ular xavfli minimalashtirish, inson hayoti va mulkni himoya qilishda hal qiluvchi ahamiyatga ega. Shuning uchun geodezik ma'lumotlarni rejalashtirish, loyihalash, qurish va ekspluatatsiya bosqichlariga integratsiya qilish seysmik xavfni kamaytirish va konstruktiv chidamlilikni oshirish uchun juda muhimdir.

Ushbu tadqiqot seysmik hududlarda binolar va inshootlarni joylashtirishda geodezik tadqiqotlarning rolini o'rganishga, ularning joyini baholash, qurilish aniqligi va deformatsiya monitoringiga qo'shgan hissasini ta'kidlashga qaratilgan. Zamonaviy geodezik texnologiyalar va ularning amaliy qo'llanilishini tahlil qilish orqali tadqiqot aniq fazoviy o'lchovlar zilzilaga chidamli qurilish va barqaror infratuzilmani rivojlantirishni qanday qo'llab-quvvatlashini namoyish etishga intiladi.

Seysmik faol hududlarda (O'zbekistonning ko'p qismi 7-9 balli zonada) bino va inshootlarni joylashtirish (sayt tanlash, loyihalashtirish va qurish) jarayonida geodezik tadqiqotlarda bir qator asosiy metod va usullar qo'llaniladi. Bu usullar yuqori aniqlikdagi o'lchovlar, monitoring va deformatsiyalarni aniqlashga asoslangan bo'lib, seysmik xavfni baholash, mikroseysmik rayonlashtirish va zilzilabardoshlikni ta'minlashda muhimdir.

Natijalar

Natijalar shuni ko'rsatadiki, geodezik tadqiqotlar seysmik hududlarda binolarni joylashtirish xavfsizligi va ishonchligini sezilarli darajada yaxshilaydi.

Topilmalarni quyidagicha umumlashtirish mumkin:

A. Joy tanlashning aniqligi yaxshilandi: yuqori aniqlikdagi topografik xaritalash va GNSS asosidagi siljish o'lchovlari tektonik yoriqlar, beqaror qiyaqlik va yer deformatsiyasiga moyil zonalar erta aniqlash imkonini beradi. Bu xavfli hududlarda inshootlarni joylashtirish xavfini kamaytiradi.

B. Qurilish aniqligini oshirish: umumiy stansiya va raqamli tekislash usullari loyiha koordinatlarini maydonga aniq uzatishni ta'minlaydi. Tadqiqot shuni ko'rsatdiki, aniq joylashtirish strukturaviy nomuvofiqlikni minimalashtiradi, bu esa seysmik hodisalar paytida yuk taqsimotining yaxlitligini saqlash uchun juda muhimdir.

C. Samarali deformatsiya monitoringi: takroriy GNSS kuzatuvlari va tekislash tadqiqotlari millimetr darajasidagi gorizont va vertikal siljishlarni aniqlash imkonini beradi. Doimiy monitoring tizimlari muhim chegaralarga yetmasdan oldin progressiv cho'kish yoki qiyyshayishni aniqlashga yordam beradi.

D. Strukturaviy dizayn bilan integratsiya: geodezik ma'lumotlarni strukturaviy modelashtirishga kiritish seysmik yuk hisob-kitoblarining ishonchligini oshiradi. Aniq fazoviy ma'lumotlar muhandislik qarorlarini qabul qilishni kuchaytiradi va qurilishdagi xatolarni kamaytiradi.

Umuman olganda, geodezik tadqiqotlar nafaqat qo'llab-quvvatlovchi, balki zilzilaga chidamli qurilishning muhim tarkibiy qismlari ekanligini tasdiqlaydi. Ularning binoning butun hayot aylanishi davomida – dastlabki tekshiruvdan tortib, uzoq muddatli monitoringgacha tizimli qo'llanilishi strukturaviy chidamlilikni sezilarli darajada oshiradi va seysmik zaiflikni kamaytiradi.

Geodezik tadqiqotlar seysmik hududlarda bino va inshootlarni joylashtirishda muhim va ko'p o'lchovli rol o'ynashini tasdiqlaydi. Aniq fazoviy ma'lumotlarni olish, yer deformatsiyasini baholash va doimiy monitoring seysmik xavfni kamaytirish va strukturaviy ishonchlikni oshirishga sezilarli darajada hissa qo'shadi. Zilzila xavfi yuqori bo'lgan hududlarda hatto kichik joylashuv yoki balandlikdagi xatolar ham strukturaviy yaxlitlikni buzishi mumkin.

Shuning uchun yuqori aniqlikdagi geodezik o'lchovlar butun qurilish davri davomida juda muhimdir. Geodezik ma'lumotlarni arxitektura va strukturaviy loyihalash jarayonlariga integratsiya qilish zilzilaga chidamli qurilish strategiyalarini mustahkamlaydi va seysmik hududlarda barqaror shaharsozlikni qo'llab-quvvatlaydi. Shu bois, geodezik tadqiqotlar nafaqat qo'llab-quvvatlovchi texnik protseduralar, balki seysmik xavfsizlik tizimlarining asosiy komponentlari sifatida ham ko'rib chiqilishi kerak. Kelajakdagi tadqiqotlar real vaqt rejimida monitoring texnologiyalari, avtomatlashtirilgan deformatsiya tahlili va seysmik qurilishda barqarorlikni yanada oshirish uchun geodezik ma'lumotlarni Binoni axborot modellashtirish (BIM) platformalari bilan integratsiyalashga qaratilishi mumkin.

Тахрир хайъати:
Шерзод Хидоятлов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алимов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Эмруродов, Илхом Аҳмедов.

Тахририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Жўраева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳих – Марҳамат Муҳаммадқуллова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ мутахассислари:
Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
"ЎЗГАШҚЛИТИ" МЧЖ,
"ЎшахарсозликЛИТИ" ДМ,
"Қишлоқ қурилиш ИНВЕСТ" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангментЛИТИ" ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси:
90-658-50-43.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Бюроғи – Г-341. 1262 нусхада босилди. Қўғоғ бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – 20.50. Топширилди – 22.10.



Янги Ўзбекистоннинг яна бир муқаддас маскани

➔ 1 Бинолар қурилишида мамлакатимизнинг қўли гул усталари билан бир қаторда хоржий давлатлар, хусусан, Хиндистон, Покистон, Италия, Греция, Туркия, Эрон каби мамлакатлардан келган меъморлар ва хунармандлар бевосита иштирок этди. Мажмуа меъморчилигида миллий ва ислом меъморчилиги анъаналари уйғунлиги намоён бўлиб, кошкорлик, наққошлик, ҳандасий нақшлар ва эпиграфик безаклар орқали юксак баъдий қиймат касб этган. Бу жиҳатдан Имом Бухорий мажмуаси нафақат зиёратгоҳ, балки ноёб меъморий ёдгорлик сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Мукамал лойиҳа ва улғувор қиёфа

Умумий майдони 63,2 гектарни ташкил этувчи зиёратгоҳ ҳудудига барча иншоотлар ягона меъморий ва маънавий гоҳ асосида барпо этилган. Мажмуа таркибига Имом Бухорий мангу кўним топган мақбара, 10 минг кишилиқ масжид, инновацион музей, маъмурият биноси, кенг айвонлар ва ёрдамчи иншоотлар кирди. Мажмуа пештоқлари ва айвон деворларига Қуръони карим оятларидан ва "Саҳиҳи Бухорий" дан ҳадислар битилган.

Мажмуанинг асосий меъморий маркази бўлган масжид ўзининг улғувор қиёфаси ва мукамал лойиҳавий ечими билан ҳар бир зиёратчини ҳайратга солади. – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бош мутахассиси Шерали Норматов. – Иншоотнинг биринчи қавати ва ер ости қисми 60X60 метр ўлчамда барпо этилган бўлиб, ички ҳажмининг ўрта – устунсиз қисми 38X38 метрни ташкил этади. Бундай муҳандислик ечими хона ичида кенг, ёруғ ва очик фазо яратиб, жамоавий ибодатни бемалол адо этиш имкониятини таъминлайди.

Масжид гўмбазининг диаметри 19 метр бўлиб, уни тўрт томондан ҳар бирининг диаметри 8 метрни кичик гўмбазлар уйғун тарзда тўлдириб туради. Залнинг баландлиги четки қисмларда 11,5 метрни ташкил этса, марказий қисми 41,1 метргача кўтарилган. Ана шу меъморий мутаносиблик ва баландлик уйғунлиги иморатта бетақрор салобат ва улғуворлик бағишлайди.

Масжид бир вақтнинг ўзида 10000 нафар намозхонни сиғдириш қувватига эга. Биринчи қаватдаги асосий намоз зали 3440 м² майдонни эгаллаб, умумий ҳажми, 69 429 м³ни ташкил этади. Аёллар учун мўлжалланган ер ости қисми эса 3865 м² майдон ва 20491 м³ ҳажмга эга бўлиб, барча шароитлар замонавий талаблар асосида яратилган. Ушбу қўлам ва меъморий ечимлар масжидни нафақат ибодат маскани, балки мухташам меъморий обида сифатида ҳам намоён этади.

Зиёратгоҳнинг тўрт бурчагида қад ростлаган, баландлиги 75 метрга етадиган тўрт минора мажмуанинг меъморий қиёфасига ўзига ҳос салобат ва кўрк бағишлайди. Уларнинг мутаносиб баландлиги ва нафис шаклий ечими иншоотнинг улғуворлигини янада оширади. Узок масофадан кўзга ташланадиган ушбу миноралар зиёратгоҳнинг маънавий нуфузи ва меъморий кудратини ифодаловчи тимсол ҳамдир.

– Эътиборли томони шундаки, мажмуа қурилиши жаҳон андозаларига тўла мос бўлиб, бу ерда аёллар ва ногиронлар учун ҳам барча қулайликлар яратилган, – деди янги ташкил этилган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини сақлаш, эксплуатация қилиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш департаменти раҳбари Шерали Хусанов. – Шу жиҳатдан қараганда бу ерда ташриф буюрадиган ҳар қандай меҳмон, зиёратчи имкониятлардан истаганча фойдаланиб, ўз шарафли бурчларини адо этишлари мумкин.

Имом Бухорийнинг мақбараси мажмуанинг маънавий маркази ҳисобланади. Мақбара биноси ер устида 14x14 ўлчамда қад ростлаган. Эски мақбара қисми 9x9 метрни ташкил этар эди. Иморат умумий баландлиги 27 метрга, гўмбаз диаметри 8,3 метрга тенг. Мақбаранинг ер ости зали майдони 1850 м² бўлиб, зиёратчилар учун қулай шароит яратилган. Мажмуага кириш ва чиқишни таъминловчи икки айвон ҳар бири

684 м² майдонга эга бўлиб, уларнинг диаметри 17 метрни ташкил этади. Ен айвонларда устунлар баландлиги 7,8 метр, устунлар орасидаги масофа эса 5,4x5,4. Бу ўлчамлар айвонларда кенглик ва нафосат уйғунлигини таъминлаган.

Инновацион музей

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимизда улғу муҳаддис олим Имом Бухорийнинг меросини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва у киши мангу ором топган масканини обод қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари ҳар гал Самарқандга ташрифи чоғида ушбу табаррук зиёратгоҳни янада обод қилиш, муқаддас манзилгоҳга айлантириш, унинг тарихи ва мазмуини тўғри талқин қилиб, жамоатчиликка етказиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Хусусан, Президентимиз 2022 йил 17-18 август кунлари Саудия Арабистонига амалга оширган давлат ташрифи давомида пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг сийратлари ва Ислам цивилизацияси музейи билан яқиндан танишиб, шу таассуротлар остида, 2022 йил 24 август кун Имом Бухорий мажмуасига ташриф чоғида берилган кўрсатмалар асосида мажмуа ва унинг таркибидagi инновацион музейни барпо этиш ишлари бошлаб юборилди. Юртбошимиз мазкур лойиҳанинг асосий мақсадини шундай таърифлади: **"Имом Бухорий бобимизнинг қадрини янада кўтариш, жаҳон баралла айтишга асос яратиш" ва "Имом Бухорий бобимизнинг ҳаёти, илм йўли, уша давр тарихини инновацион ахборот технологиялари орқали кўрсатиш халқимизга яна бир маънавий ҳазина бўлади"**.

Президент топиригига асосан, мажмуада қурилган инновацион музей Туркиянинг "Outdoor Factory" компанияси билан ҳамкорликда барпо этилди. 9 павильондан иборат инновацион музей Имом Бухорийнинг ҳаёти ва бой илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини намоён этади. Шунингдек, музей экспозицияларида Қуръони каримда исмлари зикр этилган 25 нафар пайгамбар тарихи, пайгамбаримиз Муҳаммад салоллоху алайҳи вассалам шажараси, Макка ва Мадинадаги ҳаёт йўллари, буюк муҳаддислар номи ва улар қолдирган бой мерос, ҳадисларнинг жамланishi ва ёзиб олинishi жараёнига оид муҳим маълумотлар ўрин олган.

Хулоса қилиб айтганда, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси бугунги кунда Ўзбекистондаги энг муҳим маънавият ва маърифат марказларидан бири сифатида янгидан фаолият бошлади. Ўзининг илмий аҳамияти, маънавий кудрати ва меъморий гўзаллиги билан у инсон қалбига поклик, илмга хурмат, миллий ва диний қадриятларга садоқат туйғуларини мустаҳкамлайдиган қутлуғ маскандир. 10 минг нафар намозхонни ўз бағрига сиғдира оладиган масжид, 75 метрли 4 та минора, инновацион музей, замонавий лифт ва эскалатор, барча қулайликларга эга таҳоратхоналар, меҳмонхоналар ва сервис шохобчалари – булар барчаси мажмуанинг нафақат муқаддас маскан, балки юксак даражадаги хизмат кўрсата оладиган замонавий объект эканидан далolat беради.



Дунёда турар жой қурилиши: замонавий тенденциялар ва инсон қадриятлари

Бугунги кунда ривожланган давлатларда турар жой қурилиши фақат хонадонлар таркиби ёки уй эгаллиги билан чекланмайди.

Масалан, Буюк Британияда янги қуриладиган уйлар дизайни ўзгариб, фуқароларнинг кундалик ҳаётини енгилаштирадиган функцияларга асосланмоқда. Яъни, уйдан ишлаш жойлари, велосипед ва пиёда йўлакларини, мактаб ва супермаркетлар билан боғлиқлик каби жиҳатлар биринчи ўринга қўйилмоқда. Бу қурилишларнинг жамоавий ҳаётни яхшилашга қаратилган ёндашувидир.

Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш

Европа мамлакатларида экологик барқарорлиқни таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Мисол учун, Швецияда қуриладиган Stockholm Wood City лойиҳаси дунёдаги энг йирик ёғочдан ясалган шаҳар ҳудуди бўлиб, табиат билан уйғунлиқни сақлаш мақсадида барпо этилмоқда. Унда 2 000 та хонадон ва 7 000 та идора мавжуд бўлади. Қуёш панеллари, боғлар, велосипед инфратузилмалари каби замонавий экотехнологиялар жорий этилади.

Янги қурилиш материаллари

Замонавий архитектурада янги, барқарор, энергия тежайдиган материаллардан фойдаланиш кенг тарқалмоқда.

Жаҳоннинг кўп давлатларида жорий этилаётган стандартларга кўра, янги уйлар қурилишида энергия тежамкор деворлар, юқори изоляцияли термовакуум ойна ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтирувчи материаллар талаб этилмоқда. Масалан, Ўзбекистонда ушбу талабларга риоя этилишини таъминлаш бўйича алоҳида чоралар белгилаган.

Маданий ва миллий услублар

Замонавий архитектурада миллий услублар ҳам ўз ўрнига эга. Ушбу йўналишда энг буюк намуналардан бири мисрлик архитектор Хасан Фатхийнинг анъанавий лой ва табиий материаллардан қурилган уйларга нисбатан ёндашувидир.

У ўз лойиҳаларида маҳаллий иқлимга мос келадиган қурилиш йўналишларидан фойдаланган. Бу ёндашув нафақат эстетик, балки экологик жиҳатдан ҳам тўғри ҳисобланади.

Шу билан бирга, Японияда ҳам замонавий уйлар замонавий минимализм ва анъанавий эстетикани бирлаштирган ҳолда қурилади. Улар кичик жойларда ҳам қулай интерьер ва табиий муҳит билан уйғунлашган тарзда лойиҳаланади.

Жамоатчилик ва ижтимоий ҳаёт

Бугунги қурилишлардан қутилган асосий натижа – жамоавий ҳаётни қўллаб-қувватладир. Янги массивларда мактаблар, боғчалар, тиббиёт марказлари, савдо нуқталари каби ижтимоий инфратузилма объектлари қурилмоқда. Бу, маданий ва ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлайди, аҳоли кундалик ҳаётида қулайликлар яратади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, бугунги кунда дунёда турар жой барпо этишда инсон манфаатларига бўлган эътибор ортган. Замонавий қурилиш услубларида экологик барқарорлиқни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси нафақат архитектура имкониятларини кенгайтирмоқда, балки одамларнинг яшаш тарзини янада қулай, экологик тоза ва маданиятли муҳитга айлантирмоқда.

"O'zbekiston bunyodkori" мухбири Зинэ СИРОЖ тайёрлади.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 3-5 март саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси девонхона етакчи мутахассиси **Шоҳсанам Султонова**,

Техник метёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директорининг биринчи ўринбосари **Абулқосим Абулқолиқов**, бош мутахассис **Оттабек Холиёров**, "O'zbekiston bunyodkori" ижтимоий-иқтисодий газетаси мухбири **Абдусами Хақбердиев**,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ бош мутахассиси **Наргиза Маликова**, фаррош **Наргиза Махаматова**, "Ўзоғирсаноатлоиҳа" АЖ хайдовчиси **Исломжан Ибрагимов**,

"O'zshaharsozlik LIT" ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси архитектори **Фазлиддин Абдувалиев**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Дурдона Элмуродова**, Кўп квартиралар ва уй-жой фондини бошқариш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш шўъбаси бошлиғи **Маъсуд Аҳмедов**,

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Нуриддин Шеригулов**,

"Иссиқлик таъминоти" АЖ Халқроқ ҳамкорлик ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини шакллантириш бўлими **Нодирбек Тошпўлатов**, Ишларни ташкил этиш ва операцияцион бошқариш бўлими бош мутахассиси **Санжар Алимов**, Навоий вилояти филиали электротрагзаванди **Асатулло Жалилов**, тракторчи **Фурқат Мустафоев**, чилангар-сантехник **Абдулла Тошев**.

Анджон вилояти Хонобод шаҳридаги "Хонобод-уй обод" БСК МЧЖ бош директори **Шоҳруҳ Абдувалиев**, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги "Сардорбек, Камронбек" БСК МЧЖ бош директори **Ўткир Норбобоев**, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги "Surxon Sohli Kommunal" БСК МЧЖ бош директори **Қаҳрамон Холмуродов**, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги "Life City" БСК МЧЖ бош директори **Шухрат Алиев**, Янгйаёт туманидаги "Патима ҳаёт БК" МЧЖ раҳбари **Гулбахор Маҳжумова**, Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "Кунаева-Афросиёб-сервис" УЖМШ бошлиғи **Дилдора Ибрагимоваларни** таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сўхат-саломатлик, узок умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

"O'ZBEKISTON BUNYODKORI" ГАЗЕТАСИГА
2026 йил учун
обуна давом этмоқда!

uzbunyodkor.uz t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor
uzbunyodkor qurilish.today